

Ўзбекистон Республикаси номидан
Х У К М

██████████, жиноят ишлари бўйича Яккасарой туман суди, ўз биносида, очик суд мажлисида, раислик қилувчи Д.Ниёзов, судья ёрдамчиси О.Ҳотамовнинг қотиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси - Яккасарой туман прокурорининг ёрдамчиси Ш.Олимов, жабрланувчи Д.Ниёзова, судланувчи С.Олтиев ва унинг ҳимоячиси-адвокат А.Алиевнинг иштирокида, Олтиев Содик Соибовичга нисбатан № ██████████ -сонли жиноят ишини кўриб чиқди. Иш ҳужжатларига кўра,

Олтиев Содик Соибович (Oltiyev Sodiq Soibovich), 1967 йил 20 май куни Тошкент вилоятининг Яккасарой туманида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти олий, оилали, уч нафар фарзанди бор, муқаддам судланмаган, Яккасарой туман Халқ таълими бўлими мудири ўринбосари вазифасида ишлаган, Яккасарой тумани “Фарход” маҳалла фуқаролар йиғини “Фарход” кўчаси 9-уйда яшайди, 2019 йил 17 декабрь куни унга нисбатан “қамоққа олиш” эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхаси унга 2020 йил 5 февраль куни топширилган,

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 165-моддаси 2-қисмининг “в” банди билан айбланган.

Суд судланувчи, жабрланувчи ва гувоҳларнинг қўрсатувларини, тарафларнинг музокара сўзларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб, ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И

Олтиев Содик Соибович, бир гуруҳ шахслар билан олдиндан жиноий тил бириктириб товламачилик жиноятини содир қилган.

Чунончи, у Яккасарой туман Халқ таълими бўлими мудири ўринбосари вазифасида ишлаб келиб, халқ таълими бўлимига қарашли 4-сонли ўрта таълим мактаби ўқитувчиси С.Ҳаққиев (жиноят ишининг унга нисбатан тегишли қисми Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 83-моддаси 2-қисмига асосан ҳаракатдан тугатилган) билан олдиндан жиноий тил бириктириб, бир гуруҳ бўлиб, тумандаги 5-сонли мактабгача таълим муассасаси мудираси Д.Ниёзовани гўёки муассаса мулкани талон-тарож қилиш ва хизмат фаолиятида бир қатор ноқонуний ҳаракатлар содир қилиб келаётганликда айблаган ҳолда С.Ҳаққиевнинг номидан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга ариза билан мурожаат қилинишига эришиб,



Ф.Ражабовани устидан ёзилган ариза оркали унинг фаолиятини текширтириш давомида бир қатор камчиликлар топилгани билан кўрkitиб, пул талаб қилиб, талаб қилинган пуллари берган тақдирда унга нисбатан ёзилган аризани текширтмасдан натижасиз қолдирилишини айтиб, Д.Ниёзовани ўз мулкани беришга мажбур қиладиган шароитга солиб қўйиб, товламачилик йўли билан ундан 1500 АҚШ доллори миқдордаги пуллари Якксарой тумани “Мингчинор” маҳалласи “Мингчинор” кўчасида яшовчи ўғли А.Соибовнинг уйида олган вақтида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари томонидан ашёвий далиллар билан ушланган.

Судланувчи Олтиев Содик Соибович, суд мажлисида, 2017 йил ноябрь ойидан буён Якксарой туман халқ таълими бўлими мудир ўринбосари лавозимида ишлаб келганлигини, ўринбосар сифатида хизмат вазифаларига туман мактабларида ўқув тарбиявий жараёнларни назорат қилиш, давлат таълим стандартларининг бажарилишини таъминлаш, раҳбарият топшириқларини бажариш, халқ таълими бўлими ходимларини ишларини назорат қилиш каби вазифалар қирганлигини, жабрланувчи – Якксарой туманидаги 5-сон МТМ мудираси Д.Ниёзовани бир соҳада ишлаганлиги учун 2010 йилдан буён танишини, касб юзасидан у билан доимий мулоқотда бўлиб турганлигини, 2013 йил ўрталарида Д.Ниёзова уй сотиб оломқчи бўлиб, пул сўраб келганида унга 30 млн сўм пулни қарзга берганлигини, 2017 йил бошларида қарзга берган пулни сўраганида Д.Ниёзова уни бермаслигини айтганлигини, сўнг 2019 йил октябр ойи охирида 4-сонли мактаб ўқитувчиси С.Ҳаққиевни кўриб қолиб, унга номидан Д.Ниёзованинг МТМдаги раҳбарлик фаолияти устидан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга ариза ташкиллаштиришни, бунини эшитгач Д.Ниёзова аризани “тинчйтиш” учун албатта олдига келишини, келганида аризани “тинчйтиш” эвазига ундан пул талаб қилиб олиб, пулни тақсимлаб олишни таклиф қилганида С.Ҳаққиев рози бўлганлигини, сўнг хизмат хонасидаги компьютерда Д.Ниёзованинг фаолияти билан боғлиқ бўлган тахминий камчиликларни ва С.Ҳаққиев айтган яна бир-икки камчиликларни қоралама қоғозга ёзиб, уни окка кўчирган ҳолда органга тақдим қилиш учун С.Ҳаққиевга берганлигини, 2019 йил ноябрь ойи ўрталарида С.Ҳаққиев қораламани оқ қоғозга кўчириб, ИЖКК Департаментининг Якксарой туман бўлимига берганини айтганида унга энди тайёр туриши кераклигини билдирганлигини, ўйлаганидек эртаси куни Д.Ниёзова хизмат хонасига келиб, С.Ҳаққиев устидан ариза ёзганлигини билдириб, аризани “тинчйтишда” ёрдам сўраганида С.Ҳаққиев билан гаплашиб қўришини айтганлигини, Д.Ниёзова кетгач, кўп ўтмай унга қўнғирок қилиб, С.Ҳаққиев билан гаплашганлиги ҳақида ёлғон гапириб, душанба куни хизмат хонасида уювчлари учрашиб, келишиб олишларини маълум қилганлигини, 2019 йил 18 ноябрь душанба куни С.Ҳаққиевни хизмат хонасига чақириб, Д.Ниёзова гач, унга Содик аканинг ҳурмати учун аризадаги даъвойимдан воз тавман, деб бармоғи билан 2 рақамини кўрсатиб, қолганини Содик ака



билан гаплашинг деб айтишни тайинлаганлигини, Д.Ниёзова келгач, ўргатганидек С.Хаққиев унга устидан ариза ёзганлигини маълум қилиб, қўли билан 2 рақамини кўрсатиб, қолганини С.Олтиев билан гаплашиб олинг деб чиқиб кетганлигини, сўнг Д.Ниёзова С.Хаққиев 2 ни кўрсатиб нима демокчилигини сўраганида унга гаплашиб кўришини билдирганлигини, сўнг эртасига Д.Ниёзовага қўнғирок қилиб, С.Хаққиев 2 рақамини кўрсатиб, 2000 АҚШ доллари сўраётганлигини айтганида Д.Ниёзова унда бунча пул йўқлигини билдириб, иложи бўлса пул миқдорини камайтиришни, пулни кимга бериш кераклигини сўраганида пулни ўзига келтириб беришни айтиб, уни С.Хаққиевга ўзи етказишини тайинлаганлигини, сўнг Д.Ниёзова 2019 йил 22 ноябрь куни эрталаб қўнғирок қилиб, 1500 АҚШ доллари пул топганлигини айтиб, шу пулга С.Хаққиевни кўндиришни илтимос қилганида пулни келтираверишни тайинлаганлигини, шу куни соат тахминан 13-00 ларда Д.Ниёзова қўнғирок қилганида туман хокимининг “Боғли” МФЙда ўтказилаётган сайёр қабулида катнашаётганлиги сабабли кейинрок учрашишни айтганлигини, бир неча соатдан сўнг Д.Ниёзованинг ён қўшини бўлган ўғли Акбарнинг уйига бориб, шу ердан Д.Ниёзовага қўнғирок қилиб, пулни ховли ўртасидаги девордан ошириб беришни айтганлигини, айтганидек Д.Ниёзова пулни девордан ошириб берганида олиб, санаб, 1500 АҚШ доллари эканлигини билиб, шимининг ўнг томон чўнтагига солиб кўйганлигини, Д.Ниёзова шу пулга С.Хаққиевни рози қилишини, бошқа пули йўқлигини илтимос қилганида унга ёлғондан С.Хаққиев 1800 АҚШ доллорига рози бўлганлигини, кейинрок яна 300 АҚШ доллари бериши кераклигини билдириб, ўғлининг ховлисида чиқиб, хизмат автомашинасига ўтираётганида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари ушлаганликларини айтиб, қилмишига чин кўнгилда пушаймонлигини билдириб, қонуний енгиллик беришни сўраб кўрсатув берди.

Жабрланувчи Д.Ниёзова, суд мажлисида, 2016 йилнинг декабрь ойидан бошлаб Яққасарой туманидаги 5-сонли мактабгача таълим муассасаси мудираси лавозимида ишлаб келаётганлигини, 2019 йилнинг 16 ноябрь куни ИЖҚК Департаментининг Яққасарой туман бўлимига қақришиб, тумандаги 4-сонли ўрта мактаб ўқитувчиси С.Хаққиев томонидан у рақбарлик қилиб келаётган мактабгача таълим муассасида товар моддий бойликлар талон-торож қилинаётганлиги ҳақида ариза тушганлигини билдиришиб, тушунтириш талаб қилганларида соғлиги ёмонлашиб тушунтириш хати ёза олмаганлигини, Департаментдан чиқиб, С.Хаққиевни танимаганлиги учун ариза юзасидан маслаҳат сўраш мақсадида туман Халқ таълими бўлими мудир ўринбосари С.Олтиевнинг ёнига бориб, ариза ҳақида айтганида С.Олтиев С.Хаққиевни яхши танишини, С.Хаққиев моддий манфаат кўриш учун одамларнинг устидан органларга ариза ёзиб юришини, унинг яхши одам эмаслигини, агар моддий манфаатдор қилинмаса ёзишдан тўхтамаслигини билдирганлигини, шунда С.Олтиевга С.Хаққиевнинг ёзган аризаси билан танишиб чиқмаганлигини, мактабгача таълим муассасида ҳеч қандай



конунбузарликка йўл қўймаганлигини, шундай бўлсада давлат органлари томонидан муассасада текшириш ўтказилишини хохламаслигини, чунки бу текшириш обрўйига путур етказиб, жамоасидаги хурматини йўқотишига сабаб бўлиши мумкинлигини билдириб, агар С.Хаққиевнинг таниса у билан гаплашиб, ёрдам беришини сўраганлигини, С.Олтиев эса С.Хаққиев билан муносабатлари яхшилигини, С.Хаққиевнинг ёзган аризасини қайтариб олишда ёрдам бериши мумкинлигини, бунинг учун С.Хаққиевга пул бериш кераклигини, пул бермаган тақдирда ёзишдан тўхтамаслигини маслаҳат берганлигини, сўнг С.Олтиевдан уни С.Хаққиев билан таништиришини, унинг ўзи билан ҳам гаплашиб кўрмоқчилигини сўраганида С.Олтиев рози бўлиб, 2019 йил 19 ноябрь куни уларни учраштиришини айтганлигини, шу куни чақирганлиги учун С.Олтиевнинг хизмат хонасига борганида у ерда бир нотаниш кишини кўрганида С.Олтиев бу киши С.Хаққиев деб таништирганлигини, шунда С.Хаққиевдан нима сабабдан ўзи танимаган инсоннинг устидан асосиз ариза ёздингиз деб сўраганида С.Хаққиев ариза асосиз эмаслигини, ёзганига жавоб беришини айтиб, 2 та бармоғини кўрсатиб, агар шу бўлса хаммаси яхши бўлади деб хонадан чиқиб кетганлигини, сўнг С.Олтиевдан С.Хаққиев 2 та бармоғини кўрсатиб нима демокчилигини сўраганида, С.Олтиев С.Хаққиев 2 та бармоғини кўрсатиб 2000 АҚШ доллари пул талаб қилаётганлигини билдирганлигини, шунда С.Олтиевга унда бундай пул йўқлигини айтганида С.Олтиев С.Хаққиев айтган 2000 АҚШ доллори пулни топиб бермаган тақдирда тинч қўймаслигини, турли давлат органларига ариза билан мурожаат қилиб бўлсада уни жавобгар қилишини, шу сабабли унинг айтган пулларини топиб бериши кераклигини айтганлигини, шундан кейин С.Олтиевга ўйлаб кўриб, кўнғирок қилишини айтиб кетганлигини ва С.Олтиевнинг товламачилик қилаётганлигини сезиб, Департаментнинг Яккасарой туман бўлимига бу ҳақда ариза ёзганлигини, 2019 йил 22 ноябрь куни уни Департаментнинг Яккасарой туман бўлимига чақиришиб, аризаси юзасидан тезкор тадбир ўтказилишини маълум қилишганлигини, Департамент ходимларининг кўрсатмаси билан С.Олтиевга кўнғирок қилиб, у айтган пулнинг 1500 АҚШ долларини тайёрлаб қўйганлигини айтиб, пулни қачон ва қанча бериш кераклигини сўраганида С.Олтиев пуллари ўзига бериш кераклигини айтганлигини, шундан кейин Департаментнинг Тошкент вилоят бошқармасида ҳолислар иштирокида мутахассис томонидан 1500 АҚШ долларига қимёвий қуқун ёрдамида ишлов берилиб, 2 дона 100 купюралари АҚШ долларига “пора 2019” ёзуви ёзилиб, С.Олтиевга бериш учун унга тақдим қилинганлигини, ходимлар томонидан тадбир давомида ўзини қандай тутиши тўғрисида тушунтириш берилиб, шу куни тахминан соат 12-30 ларда Яккасарой туманига ходимлар назорати остида келганлигини, кўнғирок қилиб, пулни қаерга олиб боришни сўраганида С.Олтиев ҳозир сайёр қабулда эканлигини билдириб, уйда бўлиб туришини, сайёр қабул тугагач бориб пулни уйдан олиб кетишини айтганлигини, шу куни тахминан соат 17-40



ларда С.Олтиев кўнғирок қилиб, унга қўшни бўлган ўғли Акбарнинг уйда эканлигини билдириб, пулни девор оша узатинг деб айтганлигини, сўнг С.Олтиев айтганидек 1500 АҚШ доллари пулни С.Олтиевга девор оша узатиб, қўлига берганлигини, сўнг уйда бўлган Департамент ходимлари девордан ошиб ўтиб, С.Олтиевни ушлаганликларини, С.Олтиев билан ўрталарида келишмовчилик бўлмаганлигини, ундан қарздор эмаслигини, С.Олтиев нима сабабдан уни 30 млн сўм қарздор деб кўрсатув бераётганлигини тушуна олмаслигини, С.Олтиев уни қарздор дея ёлгон кўрсатув бераётганлигини айтиб, судланувчига нисбатан даъвоси йўқлигини билдириб, унга қонуний енгиллик беришни сўраб кўрсатув берди.

Гувоҳ С.Ҳаққиев, суд мажлисида, ҳозирда Яккасарой туманидаги 4-сонли умумий ўрта таълим мактабида биология фани ўқитувчиси бўлиб ишлаб келаётганлигини, 2019 йил октябрь охирида иш юзасидан Яккасарой туман халқ таълими бўлимига борганида бўлим мудирининг ўринбосари С.Олтиев хизмат хонасига чақириб, иш борлигини, унинг айтганини бажарса иқовларига ҳам яхши бўлишини билдириб, тумандаги 5-сонли мактабгача таълим муассасаси мудираси Д.Ниёзова бир неча йил илгари ундан 30 млн сўмдан ортик пул олиб, кайтармасдан келаётганлигини, Д.Ниёзова ҳозирда ўзи раҳбарлик қилиб келаётган мактабгача таълим муассасаси мулкни талон-тарож қилиб келаётганлигини айтиб, унинг муассасадаги бу ноқонуний ҳаракатлари ҳақида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга ариза ёзиши кераклигини, аризанинг мазмунини қораламада ёзиб беришини, ариза органга бориб тушгач Д.Ниёзова ёрдам сўраб албатта унинг ёнига келишини, шунда аризани “тинчитиш” эвазига ундан 30 млн сўм пул талаб қилишни, Д.Ниёзова устидан ёзилган аризани “тинчитиш” учун кўрқканидан айтилган пулни албатта беришини, иш битиб, Д.Ниёзовадан 30 млн сўм пулни олгач, уни тенг иккига бўлиб, тақсимлаб олишни таклиф қилганлигини, шунда С.Олтиевга таклифини ўйлаб кўришини айтиб, хайрлашиб кетганлигини ва С.Олтиевнинг бу таклифи ноқонуний эканлигини билиб, агар С.Олтиев Д.Ниёзованинг устидан қоралама аризани ёзиб берса бу ариза далил бўлишини ўйлаб уни ўша қуни ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органга топширишни режа қилиб қўйганлигини, орадан тахминан икки кун ўтиб, С.Олтиев уни хизмат хонасига чақириб, ўзи ёзган қоралама аризани бериб, уни қўлда оқ қоғозга кўчириб, камчиликлари бўлса тўлдириб, туман прокуратурасига топшириш ҳақида кўрсатма берганлигини, С.Олтиев билан бўлган суҳбатни телефон диктофонига ёзиб олганлигини ва С.Олтиев берган қоралама аризани олиб, унинг хизмат хонасидан чиқиб дарҳол ИЖКК Департаментининг Яккасарой туман бўлимига мурожаат қилганлигини, Департамент ходимлари мурожаатни тўлиқ ўрганиб чиққанларидан кейин унга бундан кейинги С.Олтиев билан бўладиган муносабатларда ўзини қандай тутиши кераклигини тушунтирганликларини, С.Олтиев кўнғирок қилганида унга ўзи тайинлаганидек Д.Ниёзованинг устидан ариза ёзиб, Департаментнинг Яккасарой туман бўлимига топширдим деб айтганлигини,



эртасига Департаментнинг Яккасарой туман бўлими ходимлари Д.Ниёзовани ҳам чакириб, унга ҳолатни тушунтирганликларини, 2019 йил 18 ноябрь куни С.Олтиев хизмат хонасига чакириб, Д.Ниёзова келаётганлигини билдириб, у келгач, ариза ёзганлигини айтиб, Содик аканинг ҳурмати учун аризадаги даъвоиймдан воз кечаман деб бармоғи билан 2 рақамини кўрсатиб, Содик аканинг айтгани бўлмаса ариза ёзишдан тўхтамаслигини, ёзган аризалари бирор маротаба натижасиз қолмаганлигини айтиб кўрkitиши кераклигини ва шундан кейин хонадан чикиб кетиши кераклигини тайинлаганлигини, Д.Ниёзова келгач, унга устидан ариза ёзганлигини маълум қилиб, С.Олтиев айтганидек қўли билан 2 рақамини кўрсатиб, қолганини С.Олтиев билан гаплашиб олинг деб чикиб кетганлигини, шундан сўнг Департамент ходимлари томонидан ўтказилган тезкор тadbирда С.Олтиевнинг Д.Ниёзовадан 1500 АҚШ доллори пулни олганида ушланганлигини эшитганлигини айтиб кўрсатув берди.

Гувоҳ А.Хайруллаев, суд мажлисида, 2019 йил 22 ноябрь куни ИЖҚҚ Департаментининг Тошкент вилоят бошқармаси ва ДХХ Тошкент вилоят бошқармаси ходимлари томонидан ўтказилган тезкор тadbирда холис сифатида иштирок этганлигини, ўша куни ходимлар холисларга ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтиргач, Департаментнинг Тошкент вилоят бошқармаси биносида уларга аризачи Д.Ниёзованинг аризаси ўкиб эшиттирилганлигини, аризачи Д.Ниёзова ходимларга Яккасарой туман халқ таълими мудирини ўринбосари С.Олтиев исми киши товламачилик йўли билан ундан 2000 АҚШ доллари пул талаб қилаётганлигини айтганлигини, аризани текшириш мақсадида тезкор тadbир ўтказиш учун Д.Ниёзовага тadbирда ишлатиш учун 15 донга 100 купюралари жами 1500 АҚШ доллари пулга мутахассис томонидан махсус қуқун билан ишлов берилиб, махсус қалам билан “Пора” ёзуви ёзилиб, пуллар Д.Ниёзовага берилганлигини, соат тахминан 12-00 ларда ходимлар ва аризачи Д.Ниёзова билан бирга Департаментнинг Тошкент вилоят бошқармасидан чикиб, автомашиналарда Яккасарой туманига борганликларини, боргач Д.Ниёзова пулни бериш учун С.Олтиевга қўнғирок қилганида С.Олтиев бўшаб кейинроқ қўнғирок қилишини билдириб, соат тахминан 15-30 ларда С.Олтиев Д.Ниёзовага ўзи қўнғирок қилиб, уйда бўлиб туришини, пулларни уйдан олиб кетишини айтиб, соат тахминан 17-30 ларда С.Олтиев яна қўнғирок қилиб, Д.Ниёзованинг ён қўшниси бўлган ўглининг уйига келганлигини, пулларни ховлилар ўртасидаги девордан олишини айтганлигини, бир неча дақиқадан кейин Д.Ниёзова пулларни С.Олтиевга берганлиги тўғрисидаги олдиндан келишилган ишорани бергач, тезкор ходимлар уй олдида турган “Дамас” русумли хизмат автомашина олдида бўлган С.Олтиевни ушлаганликларини, сўраганларида С.Олтиев хозиргина Д.Ниёзовадан уй ўртасидаги девордан олириб 1500 АҚШ доллори пулларни олганлигини билдириб, пулларнинг чўнтагида турганлигини айтганлигини, шундан сўнг департаментнинг Яккасарой туман бўлимида мутахассис ёрдамида



С.Олтиевнинг кўллари кўздан кечирилганда, унинг ўнг ва чап кўлларида, шимиди ҳамда костюмида махсус кимёвий кукун излари борлиги, С.Олтиевнинг шимининг чўнтагидан чиққан 1500 АҚШ доллариди ҳам кимёвий кукун излари, пулларга махсус калам билан ёзилган “Пора” ёзуви борлиги аниқланиб, улар конвертларга солиниб мухрланганлигини, шундан сўнг ўтказилган тезкор тадбир натижалари бўйича хужжатлар расмийлаштирилиб, баённома иштирокчиларга ўқиб эшиттирилгач, хужжатлар билан танишиб, уларни имзолаб берганлигини айтиб кўрсатув берди.

Суд давлат айбловчисининг хулосасини, жабрланувчи Д.Ниёзованинг кўрсатувини, химоячи А.Алиевнинг музокара сўзини ҳамда судланувчи С.Олтиевнинг кўрсатувини, жиноят иши хужжатларини ўрганиб чиқиб, С.Олтиевнинг жиноят содир этганликдаги айби унинг айбига тўлиқ иқрор бўлиб берган кўрсатуви, жабрланувчи Д.Ниёзованинг ҳамда гувоҳларнинг кўрсатувлари, гувоҳ С.Ҳаққиев ва жабрланувчи Д.Ниёзованинг ИЖҚК Департаментининг Яккасарой туман бўлимига ёзган аризаси (и.в. 2-10), 2019 йил 22 ноябрь кундаги пулларга кимёвий ишлов бериш ва уларни топшириш ҳақидаги, диктафонни бериш ва қабул қилиш ҳақидаги, аризани текшириш ва кўздан кечириш ҳақидаги, суҳбат ёзиб олинган файлни кўздан кечириш ва қўйиб эшиттириш ҳақидаги баённомалар (и.в. 12-33), экспертиза хулосаси, юзлаштириш баённомалари ҳамда жиноят ишида тўпланган бошқа далиллар билан исботланган деб топади.

Суд судланувчи С.Олтиевнинг жиноий ҳаракатлари дастлабки тергов органи томонидан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 165-моддаси 2-қисмининг “в” банди билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Суд судланувчи С.Олтиевнинг ҳаракатларида Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 56-моддасида назарда тутилган жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар мавжуд эмас деб, шунингдек унинг айбига иқрор бўлиб, чин кўнгилдан пушаймонлигини, муқаддам судланмаганлигини, ёши катталигини, жиноят содир этилганидан кейинги хулқ-атвори ижобийлигини, жабрланувчининг даъвоси йўқлигини Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 55-моддасига асосан жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб баҳолайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги Қарорининг 37-бандида ЖК 57-моддасига мувофиқ, содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатлар аниқланган тақдирда, Жиноят кодекси Махсус қисми моддаси санкциясида назарда тутилган энг кам жазодан ҳам камроқ ёки шу моддада назарда тутилмаган бошқа енгилроқ жазо тайинланиши мумкинлиги, бунда, қонунга мувофиқ, судлар, нафақат шахс жиноят содир этиш вақтида қўзлаган мотив ва мақсад, айб шакли ва даражасини, балки, айбдорнинг шахси, жиноят иштирокчилари орасидаги роли, жиноят содир этилиш пайтидаги ёки



содир этилганидан кейинги хулқ-атвори, жиноятни содир этиш сабаблари ва бунга олиб келган шарт-шароитни ҳам эътиборга олишлари лозимлиги, жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи алохида ҳолатлар рўйхати қонунда кўрсатилмаганлигини назарда тутиб, суд қабул қилган қарорини ҳукмда асослантирган ҳолда жазони енгиллаштирувчи айрим ҳолатни ҳам, уларнинг мажмуини ҳам бундай ҳолат сифатида тан олиши мумкин (масалан моддий зарарнинг тўлиқ қопланганлиги, судланувчи ёки ота-онасининг оғир касаллиги, уларнинг меҳнатга лаёқатсизлиги, айбдор ота-онасининг ёки боласининг бошқа боқувчиси йўқлиги, судланувчининг кекса ёшда эканлиги, унинг бир гуруҳ шахслар томонидан содир этилган жиноятни очишда фаол иштирок этганлиги, жабрланувчининг жиноят содир этилишига туртки берган ҳуқуққа хилоф хулқ-атвори, жабрланувчининг судланувчи билан ярашганлиги ва х.к.).

Ушбу пленум қарорининг 45-бандида Жиноят кодексининг 45-моддасига мувофиқ, айбдор ўзи эгаллаган лавозим ёки хизмат фаолияти билан бевосита боғлиқ ҳолда жиноят содир этган ҳар бир ҳолда, суд, жиноятнинг хусусиятидан келиб чиқиб, маҳкумни у ёки бу мансабни эгаллаш ёки муайян фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқидан маҳрум қилиш масаласини муҳокама қилиши шарт. Бундай жазони тайинлаш пайтида ҳукмнинг қарор қисмида судланувчи шуғулланиши мумкин бўлмаган мансаб характери ёки фаолият тури аниқ кўрсатилиши кераклиги, ҳукм чиқарилаётган пайтда маҳкум жиноят содир этилиши билан боғлиқ бўлган мансабни эгалламаслиги ёки фаолият тури билан шуғулланмаслиги ҳолати кўшимча жазо қўллаш учун тўсик бўлмаслиги тўғрисида тушунтириш берилган.

Суд юқоридаги Олий суд Пленуми қарори тушунтиришларига амал қилиб, судланувчи С.Олтиева нисбатан жазо тайинлашда содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини, қилминининг сабабини, шахсини ҳамда жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи бошқа барча ҳолатларни инобатга олиб, унинг айбига иқрор бўлиб, чин кўнгилдан пушаймонлигини, муқаддам судланмаганлигини, ёши катталигини, жиноят содир этилганидан кейинги хулқ-атвори ижобийлигини, жабрланувчининг даъвоси йўқлигини содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатлар сифатида эътироф этиб, судланувчи ўзи эгаллаган лавозим билан бевосита боғлиқ ҳолда жиноят содир этганлиги учун Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 45-моддасига асосан моддий жавобгарлик ва мансабдорлик лавозимларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиб, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 57-моддасини қўллаган ҳолда у айбланаётган Жиноят кодекси 165-моддаси 2-қисмининг “в” банди санкциясида назарда тутилганидан ҳам камроқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлашни лозим топади.



Суд, ҳукм қонуний қучга киргач, жиноят иши бўйича ашёвий далил деб эътироф этилган махсус конвертларга солинган қалам намунасини, тоза бинт намунасини, махсус қуқунли тампон намунасини, судланувчи С.Олтиевнинг ўнг қўли ва чап қўлидан олинган суртма намуналарини, резина қўлқопни йўқ қилишни, тезкор тadbир давомида судланувчи С.Олтиевдан ҳужжатлаштириб олинган 15 дона 100 купюралари жами 1500 АҚШ доллари пуллар тилхат орқали Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузурудаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш Департаменти Тошкент вилоят Яққасарой туман бўлими ходимларига топширилганлигини инобатга олишни, судланувчи С.Ҳаққиев, гувоҳ С.Олтиев ва жабрланувчи Д.Ниёзовларнинг ўзаро жиноят ишига доир суҳбатлари ёзилган CDR форматли дискни ҳамда гувоҳ С.Ҳаққиевдан ҳужжатлаштириб олинган, С.Олтиев томонидан компютерда ёзилган ариза намунасини жиноят иши билан қўшиб сақлашни белгиланиши лозим топади.

Оқоридагиларга асосан ва Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли қарори ва Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 462, 463, 465-468, 471, 472, 473-моддаларига амал қилиб, суд

ҲУҚМ ҚИЛАДИ

Судланувчи Олтиев Содиқ Соибович (Oltiyev Sodik Soibovich) Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 165-моддаси 2-қисмининг “в” бандида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилсин ва унга шу модда билан Жиноят кодекси 57-моддасини қўллаб, 2 (икки) йил муддатга моддий жавобгарлик ва мансабдорлик лавозимларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум этилган ҳолда 3 (уч) йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 61-моддасига мувофиқ муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ва озодликдан маҳрум қилиш жазолари ҳар қайсиси алоҳида ижро этилсин.

Жазони умумий тартибли колонияларда ўташлиги белгилансин.

Жазони ўташ муддати 2019 йил 16 декабрь кунидан бошлаб ҳисоблансин.

Олтиев Содиқ Соибовичга нисбатан қўлланилган қамоққа олиш эҳтиёт чораси аслича қолдирилсин.

Ҳукм қонуний қучга киргач ашёвий далил деб эътироф этилган махсус конвертларга солинган қалам намунаси, тоза бинт намунаси, махсус қуқунли тампон намунаси, судланувчи С.Олтиевнинг ўнг қўли ва чап қўлидан олинган суртма намуналари, резина қўлқоп йўқ қилинсин, тезкор тadbир давомида судланувчи С.Олтиевдан ҳужжатлаштириб олинган 15 дона 100 купюралари жами 1500 АҚШ доллари пуллар тилхат орқали Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузурудаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш Департаменти Тошкент вилоят Яққасарой туман бўлими



ходимларига топширилганлиги инobatта олинсин, судланувчи С.Олтиев, гувоҳ С.Ҳаққиев ва жабрланувчи Д.Ниёзоваларнинг ўзаро жиноят ишига доир суҳбатлари ёзилган CDR форматли диск ҳамда гувоҳ С.Ҳаққиевдан ҳужжатлаштириб олинган, С.Олтиев томонидан компютерда ёзилган ариза намунаси жиноят иши билан бирга кўчиб сақлансин.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан бошлаб, судланувчи ва жабрланувчи эса ҳукм нусхаси уларга топширилган кундан бошлаб ўн сутка ичида шу суд орқали жиноят ишлари бўйича Тошкент вилоят судининг апелляция инстанциясига, ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг кассация инстанцияси судлов ҳайъатига шикоят бериш ёки протест билдиришга ҳақлидирлар.

Раислик қилувчи
Нусхаси аслига тўғри

(имзо)

Д.Ниёзов

Раислик қилувчи

Д.Ниёзов

